

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Суммаси \$100 мингдан кам импорт контракти учун экспертиза зарур эмас

Президентнинг 3.11.2017 йилдаги ПФ-5215-сон «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Махсус товарлар

экспорт-импортини лицензиялаш

10.11.2017 йилдан бошлаб махсус товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш бўйича функция Ташқи савдо вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди. Бу вазифа билан бевосита Ташқи савдо фаолияти, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти шуғулланади.

Бунда заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар лицензияланадиган товарлар рўйхатидан чиқарилган.

Импорт операциялари

10.11.2017 йилдан бошлаб Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси қуйидагилар ҳисобидан молиялаштирилаётган битта контракт ёки тендер бўйича суммаси 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқни ташкил этадиган тўғридан-тўғри импорт контрактлари, шунингдек тендер (танлов) савдолари доирасида тендер (танлов) ҳужжатлари экспертизаси ёки тендер (танлов) таклифларини баҳолашни амалга оширади:

- Давлат бюджети маблағлари;
- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси;
- Ҳукумат томонидан ёхуд унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар) (тижорат банклари

томонидан қайта молиялаштирилаётганлари бундан мустасно);

- устав капиталида давлат улуши 50%дан ортиқни ташкил қиладиган ҳўжалик субъектлари маблағлари;
- устав капиталидаги улушининг 50%идан ортиғи устав капиталида давлат улуши 50%дан ортиқни ташкил этадиган ҳўжалик субъектларига тегишли бўлган юридик шахслар маблағлари.

Шу тариқа, суммаси эквивалентда 100 минг АҚШ долларида кам бўлган тўғридан-тўғри импорт контрактлари экспертизаси бекор қилинади.

Импорт тендер контрактлари қўшимча экспертизадан ўтказилмасдан ҳисобга қўйилади.

Экспорт операциялари

Ташқи савдо вазирлигига қуйидаги экспорт контрактларини рўйхатга олиш юклатилади (биржа шартномаларидан ташқари):

- Ҳукумат қарорлари ва ҳукуматлараро битимлар асосида тузилган;
 - тасдиқланган рўйхат бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишга контрактлар.
- Ваколатли идораларга қуйидаги низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилган:
- Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилишга лицензиялар бериш тартиби тўғрисида;
 - Импорт контрактларини ва тендер (танлов) ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, шунингдек, тендер (танлов) таклифларини баҳолаш тартиби тўғрисида;
 - Экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида.

Давлат харидлари бўйича контракт суммаси қандай ҳисоблаб чиқарилади

Президентнинг 3.11.2017 йилдаги ПФ-5228-сон Фармони билан айрим қонуности ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Давлат харидлари қиймати АҚШ доллари эквивалентида

Президентнинг 6.05.2003 йилдаги ПФ-3240-сон «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида аниқлик киритилди. Унга кўра, битта контракт бўйича сумма эквивалентда 100 минг АҚШ долларида ортиқ бўлса, товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича танлов (тендер) савдоларини ўтказиш мажбурий ҳисобланади.

Бундан ташқари, давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш тартиби унга боғлиқ бўлган битта контракт бўйича сумма яна хорижий валюта эквивалентда белгиланадиган бўлди:

- 1 минг АҚШ долларида кам — нарх, сифат ва етказиб бериш бўйича энг мақбул шартларни таклиф этган етказиб

берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномаларни тузиш йўли билан. Бунда сумма МБнинг шартнома тузилган кундаги расмий курси бўйича ҳисоблаб чиқарилади;

- 1 минг АҚШ долларида 100 минг АҚШ доллари гача — буюртмачининг идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан. Бу ерда сумма энг яхши таклиф келиб тушган санадаги МБнинг расмий курсидан келиб чиқиб ҳисобланади;
- 100 минг АҚШ долларида ортиқ — танлов (тендер) савдоларини ўтказиш йўли билан. Суммани ҳисоблаб чиқариш учун ушбу харидлар бўйича техник топшириқ тасдиқланган санадаги МБ расмий курси қабул қилинади.

Эслатиб ўтамиз, илгари киритилган вазиятлардан кейин мазкур суммалар миллий валютада кўрсатилган эди.

Молия вазирлиги Ҳазначилиги вазифалари кенгайтирилди

Улар жумласига энди, хусусан, қуйидагилар ҳам киритилди:

- бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари билан шартномалар тузишда шаклланаётган нархларни мониторинг қилиш жараёнида Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан ҳамкорлик қилиш. *Илгари бу билан Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси шуғулланар эди.* Ҳазначилик унинг ишчи органи функциясини бажарган;
- давлат харидлари жараёни ва мамлакатимиз кичик тадбиркорлик субъектлари учун ажратилаётган квоталар бажарилишини мониторинг қилиш;
- ҳўжалик юритувчи субъектларнинг инсофсиз етказиб берувчилар реестрига киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида расман эълон қилинган ва 4.11.2017 йилдан кучга кирди.

Ким олий таълим муассасасига имтиҳонсиз қабул қилинади

Вазирлар Маҳкамасининг 7.11.2017 йилдаги 892-сон қарори билан Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қандай мусобақалар ва спорт турлари ғолиблари имтиёзли кириш ҳуқуқини олади

Ҳужжатда «Қураш» миллий спорт тури бўйича мусобақалар ғолибларининг олий таълим муассасаларига имтиёзли кириш ва пул мукофоти олиш ҳуқуқи акс эттирилган.

Маълумот учун: мазкур турдаги имтиёз спортнинг олимпиада турлари, шахмат ва шашкага ҳам тааллуқли.

Уларда ғолиб бўлиш олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз кириш имконини берувчи мусобақаларнинг индивидуал ва жамоа турлари рўйхатига аниқлик киритилди. Булар:

- Олимпия ва Осиё ўйинлари;
- Жаҳон ва Осиё чемпионатлари.

Халқаро танловлар ва мусобақалар ғолибларини рағбатлантириш тартиби ўзгарди

Ўқишга киришда имтиёзлар энди халқаро танловлар ва мусобақалар индивидуал ва жамоа турларида 1–3–ўринларни эгаллаган шахсларга берилади (илгари – 1–5–ўринлар).

ХТКдаги валютани сотиш ва нақд сўмга айирбошлашга рухсат берилди

Марказий банк Бошқаруви қарори (АВ томонидан 6.11.2017 йилда 2944-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Халқаро тўлов картасига жисмоний шахслар ва ЯТТ томонидан валюта сотиб олиш

Валюта сотиб олиш учун жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар банкнинг конверсион бўлимига мурожаат этишлари ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари зарур.

Валютани айирбошлаш жисмоний шахснинг банк картаси ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳисобварағидан миллий валютани операция бажариладиган кундаги чет эл валютасини сотиш курси бўйича ечиб олиш йўли билан амалга оширилади. Бунда жисмоний шахсга терминал чекининг асп нусхаси берилади, унинг нусхаси эса конверсион бўлимининг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади. Якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳисобварағидан миллий валюта келиб тушганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхалари ҳам ўша ерга тикилади.

Шундан сўнг шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги тегишли маълумотлар асосида 09017-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. Мазкур

Бунда аввалгидек танловлар ва мусобақалар жамоа турларида ғолиблик натижасига кўра жамоалар таркибидан 3 номзод олий таълим муассасасига имтихонсиз қабул қилинади.

Бу – муҳим! Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолибларини олий таълим муассасасига имтиёзли қабул қилиш таъ-

лим муассасаси ихтисосликлари билан олимпиада фанлари, танловлар ихтисосликлари, спорт турларининг соҳа бўйича мос келишига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида расман эълон қилинди ва 7.11.2017 йилдан кучга кирди.

битим миқдори ХТКдаги валюта миқдорини тўлиқ ёки қисман қоплаши мумкин. Мижозга 09020-шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси берилади.

Бу – муҳим! Жисмоний шахслар валюта айирбошлаш шохобчаларида ХТКдаги чет эл валютасини нақд пулга айирбошлашга ҳақли.

маълумотнома тўлов ҳужжатлари билан бирга валютани халқаро тўлов картасига (ХТК) ўтказиб бериш учун асос бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, агар у мавжуд бўлмаса, жисмоний шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорга валюта ҳисобварағи очилади ва ХТК берилади.

Бу – муҳим! Конверсион бўлим томонидан сотилинадиган чет эл валютасининг кунлик миқдори банк раҳбарининг буйруғи билан аниқланади.

Банклар томонидан ХТКдаги чет эл валютасини харид қилиш

ХТКдаги чет эл валютасини сотиш учун жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тижорат банкнинг исталган конверсион бўлимига шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат этишлари мумкин.

Чет эл валютасини айирбошлаш электрон тизимга маълумотларни кириштиш йўли билан операция бажарилган кундаги курс бўйича амалга оширилади. Бунда

Банклар томонидан нақд чет эл валютасини айирбошлаш шохобчалари орқали харид қилиш

Белгиланишича, жисмоний шахслар ва норезидентлар битим суммаси ЭКИХнинг 500 бараварига тенг ва ундан ортиқ бўлган тақдирда нақд чет эл валютасини сотиш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт (норезидентлар – фақат паспорт). Бунда 09002-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади, уларнинг ҳар иккаласига назоратчи, кассир ва жисмоний шахс томонидан имзо чекилади ҳамда айирбошлаш шохобчаси, контролер ва кассирнинг штамплари қўйилади.

Нақд чет эл валютасининг ҳақиқий эканлигига шубҳа туғилган ҳолатларда экспертиза ўтказиш учун ҳам шахсни тасдиқловчи ҳужжат (норезидентлар учун – фақат паспорт) тақдим этилиши керак бўлади. Экспертиза натижасига кўра валюта сохта деб топилган тақдирда у эгасига қайтариқмайди ва экспертиза далолатномаси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилади.

Олег Заманов, Ленера Хикматова, Самир Латипов, «Norma Online» экспертлари.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Онлайн НКМ тизими қандай жорий этилади

ҚҲТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида фискал маълумотлар оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларига доир қарори лойиҳаси тақдим этилди.

Ўзбекистон ҳар бир урилган чек ҳақидаги маълумотни солиқ органларига узатувчи НКМ тизимига ўтмоқда (онлайн НКМ). Таклиф этилаётган қарор лойиҳаси онлайн НКМни жорий этиш бўйича дастақка айланиши даркор.

Лойиҳада кўзда тутилишича, Президентнинг 29.09.2017 йилдаги ПҚ-3300-сон «Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ:

1. Онлайн режимида ҳисоб-китоблар тўғрисида солиқ органларига маълумотлар узатувчи НКМни қўллаш воситасида корхоналар тушумининг тушиши устидан назорат тизимини жорий этиш учун «Ўзбек-телеком» АК ва «Online Technologies Systems» МЧЖ ХК қўшма корхона ташкил этади (кейинги ўринлар-

да – ҚК). Мазкур ҚК фискал маълумотлар оператори этиб белгиланган¹;

2. Фискал маълумотлар операторининг (кейинги ўринларда – ФМО) фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланади. У ФМОнинг фаолият кўрсатиш тартибини ва фискал маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш жараёнида унинг ДСҚ ва фойдаланувчилар билан ҳамкорлиги тамойилларини белгилайди.

Низом лойиҳасида нималарга эътибор қаратиш жоиз:

➤ ФМО НКМ фойдаланувчисидан қабул қилинган фискал маълумотларни ҳар куни ДСҚга юборади;

➤ ФМО фискал маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди. Бунда фискал маълумотларнинг ДСҚга узатилиши махфийлики бузиш деб топилмайди;

➤ ФМО фискал маълумотларни қайта ишлаш хизматларини кўрсатганлик учун тўлов миқдорини, шартларини ва тўлаш тартибини Молия вазирлиги билан келишган ҳолда мустақил равишда белгилайди;

➤ ФМОнинг техник воситалари ФМО томонидан тасдиқланган ахборот алмашинуви протоколларини қўллаб-қувватлайдиган ҳамда НКМ реестрига киритилган ҳар қандай НКМдан қабул қилишни таъминлайди;

➤ тизим фойдаланувчилари ҳар йили фискал тўплагични² алмаштиришлари шарт, у ФМОдан сотиб олинади;

➤ ДСҚ реал вақт режимида ФМО маълумотлар базасида мавжуд бўлган фискал маълумотлардан тўсқинликсиз, шу жумладан масофадан фойдалана олади;

➤ ДСҚ НКМ реестри ва фискал тўплагичлар реестрини юритади. Томонлар келишувига кўра ушбу функция ФМОга ўтказилиши мумкин;

➤ фойдаланувчи томонидан аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларда қўлланиладиган НКМ ва фискал тўплагичлар белгиланган тартибда тасдиқланган умумий техник талабларга мувофиқ бўлиши керак;

➤ 1.01.2018 йилдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида онлайн НКМдан фойдаланиш бўйича тажриба лойиҳаси ишга туширилади. У ихтиёрий асосда техник имкониятлар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Лойиҳага ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Феруз Хайруллаев, «Norma Online» эксперти.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этилиши

1-2-бетлар

• НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

– Онлайн НКМ тизими қандай жорий этилади

2-бет

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Кетиш олдидан
– Қарзни нима қилайлик

– Керакли манзил бўйича мурожаат қилинг

– Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи

– Келажак ҳақида ҳозирдан ўйланг

– Кўмак берадилар

– Натижа ва унинг таркибий қисмлари

– Хорижий компаниялар филиалсерлари меҳнати мувофиқлаштирилади

– Ишлаётган пенсионер-шифокорлар пенсияни тўлиқ миқдорда олади

– Бадалларни тўлаш пайти келди

– Бу ҳолда ололмайсиз

– «Офицерлик» стаж

– Кучирма ҳисобга олинмайди

– Болаликдан ногиронларга нафақалар таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида

3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Шошилибсиз...

– Меҳнат шартномаси нусхаси ходимга берилиши – қатъий талаб

– Декрет даврида қисқартириш

– Дам олиш кунини тандиш бўшади

– «Қондалар билан янаниб қўшим...»

– Таътилда бошқа корхонада ишламоқчиман

– Чет эллик мутахассис ишлаганда...

7-8-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари холларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бошиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга **фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati** МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ишловчи пенсионерлар – шифокорлар, шунингдек масофадан туриб чет эллик иш берувчилар билан ишлаётганга тааллуқли пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги айрим ўзгартiriшлар ҳақида шу сондан билиб оласиз. Ҳар доимгидек, ўқувчиларнинг саволларига Пенсия жамғармаси мутахассиси жавоб беради.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Мутахассис тушунтиради

Кетиш олдидан

Яшаш жойини ўзгартiriш ҳар доим оворагарчиликка сабаб бўлади. Кўплаб кекса кишилар яшаш жойи ўзгаришига санокли кунлар қолганда пенсия ишлари ҳақида эслаб қоладилар. Бошқа жойга кўчаётганда пенсионер пенсия олиш ҳақида нималарни билиши кераклиги ҳақида ЎзР бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия апаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев сўзлаб беради.

– Ўқувчиларимизнинг кўчиб кетаётганда пенсия ҳақидаги саволлар билан кўп мурожаат қилишлари кишилар тўлиқ ҳажмда ахборотга эга эмасликларидан далолат беради. Бундай ҳолларда хатти-ҳаракат қилишнинг аниқ алгоритми мавжудми?



Маълумот учун!

1140 – Пенсия жамғармасининг «ишонч телефони».

У Ўзбекистон бўйича ягона бўлиб, бу рақамга кўнгироқ Тўғридан-тўғри ТЕРГАН ҲОЛДА (қўшимча вилоят ва шаҳар кодларисиз) амалга оширилади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

БУГУНГИ СОНДА:

ҚАРЗНИ НИМА
ҚИЛАЙЛИК
Тўлдириш қоида-
лари бўйича **3**

КЕЛАЖАК ҲАҚИДА
ҲОЗИРДАН
УЙЛАНГ
Иш – хорижда,
бадаллар эса –
юртида **4**

НАТИЖА ВА
УНИНГ ТАРКИБИЙ
ҚИСМЛАРИ
Тушунтириб
беришларини
сўранг **5**

БОЛАЛИКДАН
НОГИРОНЛАРГА
НАФАҚАЛАР
ТАЙИНЛАШ ВА
ТўЛАШ ТАРТИБИ
Тўғрисида
Билиб қўйган
яхши **8**

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

– Ҳа, албатта. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова) мувофиқ, доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетишгача тайинланган пенсия (Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган давлатлар* бундан мустасно) Пенсия жамғармаси бўлимига кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги пенсия миқдори ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ташқарисига жўнаб кетишдан 6 ой аввал миллий валютада тўланади.

Ушбу 6 ойлик давр аризада кўрсатилган санадан бошлаб ҳисоблаб чиқилади. Кетаётган кишининг паспортида «Доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилди» деган белги бўлиши ва унга кетиш арақчаси илова қилинган бўлиши шарт. Шунингдек ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқаролик бўлимининг доимий яшаш учун кетиш тўғрисидаги стикери ва у бориш ниятида бўлган хорижий давлатнинг визаси (агар бу зарур бўлса) бўлиши лозим (252-сон Низомнинг 177, 178-бандлари).

– Демак, ушбу тўловларни олиш учун пенсионерда 3 кундан 5 кунгача вақт қолади, зеро кўпроқ вақт бўлиши учун вақтинчалик рўйхатдан ўтиши зарур?

– Одатда, кишилар шу муддатда улгуришга уринадилар. Агар пенсионер 6 ой аввал пенсия тўлангандан кейин доимий яшаш жойига кетмаган бўлса, унга пенсия тўланган 6 ойлик давр тамом бўлгандан кейин пенсияни навбатдаги тўлаш учун мурожаат қилган тақдирда, унга худди шу тартибда 6 ой аввал яна пенсия тўланиши мумкин (252-сон Низомнинг 181-банди).

– Пенсия қандай тўланади? Уни, масалан, Ўзбекистон ташқарисига бўлган ҳолда почта ўтказмаси орқали олиш мумкинми?

– Йўқ, мумкин эмас. 6 ой аввал пенсия тўлаш пенсияни етказиб бериш (топшириш) юқланган ташкилот орқали бир марталик ведомость асосида, шунингдек Ўзбекистондаги тижорат банкининг филиалида пенсионернинг номига очилган банк ҳисобрақамига нақд пулсиз ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Шунга эътиборингизни қаратмоқчиманки, 6 ой аввал тўланган пенсия суммасини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия тўланган даврда пенсиялар миқдорлари ўзгарганлиги муносабати билан қайта ҳисоб-китоб қилиш амалга оширилмайди (252-сон Низомнинг 179, 180-бандлари).

– Масалан, пенсионер жорий ойда пенсия олиб бўлган ва шу ой тугамасдан 6 ойлик пенсиясини сўраб мурожаат қилган бўлса, пенсия қандай ҳисобланади?

– Пенсия тўланадиган олти ойлик давр Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш учун кетишдан олдин келгуси 6 ой учун пенсия тўлаш учун аризада кўрсатилган санадан бошлаб ҳисоблаб чиқилади (252-сон Низомнинг 177-банди 2-хатбошисига қаранг).

МИСОЛ. Киши шу йил 11 октябрда пенсия тўлашларини сўраб мурожаат қилди, демак, 6 ойлик давр айни 11 октябрдан кейинги йил 10 апрелгача ҳисоблаб чиқилади. Агар киши октябрь учун пенсия олиб бўлган ёки шу ой давомида оладиган (тўлаш учун жўнатилган) бўлса, у ҳолда унга жорий йил 1 ноябрдан кейинги йил 10 апрелгача бўлган давр учун пенсия тўланади.

– Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган давлатларга жўнаб кетаётган пенсионерларга пенсия қандай тўланади?

– Ўзбекистон пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган давлатларга доимий яшаш учун жўнаб кетишдан олдин тайинланган пенсия яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилган ой охиригача тўланади.

Пенсионернинг аризаси ва паспортидаги «Доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилди» деган белги асосида пенсия тўлаш тўхтатилади.

Фуқаро пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартнома тузилмаган давлатга жўнаб кетаётганда пенсионерга пенсия йиғмажилди берилмайди – у архивда сақланади.

Пенсионер халқаро шартнома тузилган давлатга жўнаб кетаётган бўлса, унинг пенсия йиғмажилди қўлига берилиши ёки унинг ўрнига йиғмажилдини ишончли вакили олиши мумкин. У пенсионернинг янги яшаш манзили бўйича Пенсия жамғармаси бўлими сўровига асосан почта орқали жўнатилиши ҳам мумкин (АВ томонидан 17.11.2011 йилда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 50-банди). Бироқ шунинг ёқда тутиш лозимки, келгусида пенсия таъминоти пенсионер бorgan мамлакат қонунчилигига мувофиқ юритилади (Битим, Москва, 13.03.1992 йил).

– Ўзбекистон доирисида яшаш жойини ўзгартирадиганлар учун қоидалар қандай?

– Ушбу ҳолатда ҳамма иш анча осон кечади. Пенсияни тўлаш пенсия ҳужжатлари йиғмажилди олингандан кейин пенсионернинг янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан давом эттирилади. Бунда пенсияни тўлаш олдинги яшаш жойи бўйича уни тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб, лекин унинг томонидан ҳисоба қўйиш мақсадида мурожаат этилгандан олдинги 12 ойдан ошмаган давр учун давом эттирилади (252-сон Низомнинг 170-банди). Яъни пенсионер янги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимида қанча тез ҳисоба қўйилса, тез орада пенсия ола бошлайди.

Алла Ромашко, мухбиримиз.

*Арманистон, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Украина.

Расмий жавоб

Қарзни нима қилайлик

? Биз ходим учун пенсия ололмаяпмиз. Корхонамизда 2016 йил 8 октябрдан бошлаб пенсияни расмийлаштирган ходим ишлайди. Бухгалтерия унга тўланадиган суммани Ўзбекистон Миллий банкида очилган махсус 888-пенсия счётига ўтказиш тўғрисидаги талабномани Шайхонтохур туман пенсия бўлимига электрон тарзда берган. Бироқ пенсия бўлими талабномани фақат 2016 йил декабрида қабул қилди, октябрь ва ноябрда эса электрон талабномани қабул қилишни рад этган. Декабрдан августгача бўлган пул маблағларини корхонанинг 888-пенсия счётига ўтказдилар, уларни пенсионерга тўладик. Бироқ 2016 йилги қарзни нима қилишимиз кераклиги ҳақида пенсия бўлими тушунтириш бермаяпти. 2016 йил октябри ва ноябри учун ходимнинг пенсиясини 888-пенсия счётига ўтказишлари учун қаерга мурожаат қилишимиз керак?

И.Александра, бухгалтер.

— Ҳақиқатан ҳам, 2016 йил октябри ва ноябри учун пенсия олишга электрон талабномаларни вақтида — ҳисобот ойининг 10-санасигача топширмаган бўлсангиз, кўрсатилган даврларга электрон талабнома қабул қилинмайди. Ҳисобот ойининг 10-санасигача электрон талабномаларни жўнатишга улгурмаган бўлсангиз, улар учун талабномалар тақдим этилмаган пенсия суммалари кейинги ойлар учун талабнома суммаларига киритилади. 2016 йил октябри ва

ноябри учун пенсия суммаларини «Жорий давр пенсияси суммаси» устунида (9-устунда) кўрсатган ҳолда исталган жорий ой учун пенсия олишга электрон талабномага киритишингиз зарур эди. Яъни жорий давр учун пенсия суммасига олдинги даврлар (2016 йил октябри ва ноябри) учун пенсия суммалари ҳам киритилади. Бунда ўтган давр учун пенсия суммаларини ҳам электрон талабноманинг «Олдинги давр пенсияси суммаси» устунида (10-устунда) алоҳида кўрсатиш зарур. Яъни бу ерда фақат 2016 йил октябри ва ноябри учун пенсия суммаларини (жорий даврдаги пенсия суммасини ҳисобга олмасдан) кўрсатишингиз керак эди (АВ томонидан 3.11.2016 йилда 2836-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга 3-илова).

МИСОЛ. Жорий давр (масалан, 2017 йил апрель) учун пенсия суммаси 560 минг сўмни ташкил этади. Бунда 2016 йил октябри ва ноябри учун пенсия суммаси ҳам 560 сўмдан иборат бўлган. 9-устунда қайд этилиши зарур бўлган умумий сумма 1 680 минг сўмни ($560 + 560 + 560$ — 2017 йил апрели, шунингдек 2016 йил октябри ва ноябри учун) ташкил этади. 10-устунда ўтган давр учун сумма — 1 120 минг сўмни ($560 + 560$ — 2016 йил октябри ва ноябри учун) кўрсатиш лозим.

Керакли манзил бўйича мурожаат қилинг

? Мен Германияга доимий яшаш учун жўнаб кетиб, анча вақтдан буён шу ерда яшайман. Бироқ кетгунимга қадар Ўзбекистон Республикасида кўп йил ишлаб, солиқлар ва бадалларни тўлаганман. Қандайдир нафақа ёки пенсия олишга ҳақим борми? Агар ҳақим бор бўлса, Ўзбекистондан тўланиши лозим бўлган пенсия тўловларини қандай қилиб олишим мумкин?

Б.Фермон.

— Йўқ, Ўзбекистон Республикасидан пенсия олишга ҳақли эмассиз. Аниқроқ жавоб олишингиз учун фуқаролигинингиз кўрсатишингиз керак эди.

Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшаб турган фуқароларни пенсия билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар,

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

башарти Ўзбекистонда доимий яшаб турсалар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси, бундан кейин – Қонун). Ушбу далил ички ишлар органлари томонидан бериладиган яшаш гувоҳномаси асосида белгиланади.

Қўшимча равишда шуни маълум қиламизки, Германия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида пенсия таъминоти соҳасида битим тузилмаган.

Ўзбекистондан ташқарида яшовчи шахсларнинг пенсия ёки ижтимоий таъминоти улар ҳудудида яшаётган давлат қонунчилигига кўра, ушбу давлат маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи

? Амаким – I гуруҳ ногирони. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлашда унинг учун имтиёзлар бериладими?

Г.Т.

– Қуйидагилар ҳар ойда ЭКИХнинг 45%и миқдорида компенсация пул тўловларини олувчилар ҳисобланади:

а) 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;

б) ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар;

в) Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва «Слава» орденининг учала даражаси билан мукофотланган шахслар;

г) фашист концлагерларининг собиқ вояга етмаган маҳбуслари;

д) Ленинград шахри қамали даврида ишлаган фуқаролар;

е) кўриш қобилияти бўйича I гуруҳ ногиронлари;

ж) Чернобыль ҳалокати оқибатида жабрланган фуқаролар;

з) ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслардан ташқари, ҳар ойда ЭКИХнинг 50%и миқдорида компенсация пул тўловларини олувчилар ҳисобланади.

1941–1945 йиллардаги урушнинг меҳнат fronti қатнашчилари ҳар ойда ЭКИХнинг 25%и миқдорида компенсация пул тўловларини олувчилар ҳисобланади (Рўйхат, 14.04.2015 йилдаги ПФ-4715-сон Фармонга 1-илова).

Амакингиз кўриш қобилияти бўйича I гуруҳ ногирони бўлса, уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини олишга ҳақли бўлади.

Келажак ҳақида ҳозирдан ўйланг

? Ўғлим чет элда ишлайди. Пенсия тайинлаш чоғида чет элдаги иш вақти ҳисобга олиниши учун у нима қилиши керак?

Н.Мельгунова. Тошкент ш.

– Ўғлингиз чет элда ёлланган ҳолда ишлаётган бўлса, бошқа давлатда ишлаган ҳар бир ойи учун ЎзР Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлашга ҳақли.

Бунда у қанча миқдорда пенсия олишни исташидан келиб чиқиб, сугурта бадаллари миқдорини мустақил равишда белгилаши мумкин. Бадаллар суммаси уларни тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган ЭКИХнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак. Шунга эътибор қаратмоқчиманки, сугурта тўловлари суммаси пенсия миқдорига салмоқли таъсир кўрсатади.

Бадаллар миллий валютада, ўғлингизнинг доимий яшаш жойи бўйича солиқ органларига хизмат кўрсатаётган банкларда очилган Пенсия жамғармасининг тегишли даромад транзит ҳисобрақамларига тўланади.

Унда идентификация рақами (СТИР) мавжуд бўлмаганда у солиқ тўловчи сифатида унга СТИР расмийлаштирилиши билан биргаликда доимий яшаш жойи бўйича солиқ органида ҳисобга қўйилиши шарт.

Бадалларни ҳар ойда ёки ҳар чорақда ёхуд бирийла – Ўзбекистонга келган кунидан бошлаб 3 ой мобайнида тўлаш мумкин.

Ватанига келгандан сўнг ваколатли орган томонидан 3 кун муддатда бериладиган белгиланган шаклдаги чет эл давлати ва у ерда бўлган вақти тўғрисида маълумотнома Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш ва меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувларни киритиш учун асос ҳисобланади (Низом, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова).

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Кўмак берадилар



Амакиваччам касал бўлиб, пенсияни расмийлаштириш учун маълумотномаларни ўзи тўплай олмайдми. Унинг пенсиясини расмийлаштириш билан шугуллансам бўладими? Менга ишончнома ёки бошқа ҳужжатлар керакми, айнан қандай ҳужжатлар бўлиши лозим?

Р.Ҳалимбоева. Тошкент ш.

— Иш стажы ва иш ҳақи тўғрисидаги архив маълумотномалари ташкилотлар ва архив муассасалари томонидан берилиши инobatга олинса, улар ҳужжатларни расмийлаштиришга ишончнома талаб қилишлари мумкин.

Шу билан бирга бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари аризага (яъни амакиваччангизга) зарур ҳужжатларни олишида кўмаклашишлари шарт (Қонуннинг 43-моддаси 6-қисми).

Натижа ва унинг таркибий қисмлари



Пенсия расмийлаштирилгандан кейин онамга атиги 165 000 сўм тайинладилар. У 15 йил болалар богчасида ишлаган. Пенсияга чиқиш олдиан охириги 10 йил давомида ишламаган. Шунчалик кам миқдорда пенсия тайинлиши мумкинми? Пенсия жамғармаси бўлим ходимлари ҳақлимилар?

Гурьева. Тошкент ш.

— Пенсия миқдори иш стажининг муддатига, ўртача ойлик иш ҳақига боғлиқ бўлиб, пенсиянинг таянч миқдоридан, иш стажы учун пенсиянинг оширилишидан, пенсияга қўшилаётган устама ҳақлардан таркиб топади (Қонуннинг 25-моддаси).

Қонуннинг 31-моддасида ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби келтирилган. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет 5 йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ мавжуд бўлмаган ҳолларда пенсия ЭКИХдан келиб чиқиш ҳисоблаб чиқарилади.

Ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинаётган ўртача ойлик иш ҳақининг 55%, лекин расмий белгиланган ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100% миқдорини ташкил этади (Қонуннинг 26-моддаси).

Пенсиянинг таянч миқдори 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёлларга тайинланади. 20 йилдан кам иш стажига эга бўлган аёлларга Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсия тайинланади.

Чунончи, тўлиқ бўлмаган иш стажы ҳолатида пенсиялар мавжуд стажга мутаносиб миқдорда тайинланади ва ёшга доир энг кам пенсиянинг 50%идан кам бўлиши мумкин эмас ($292\,940 \times 50\% = 146\,470$ сўм).

Улар қуйидаги тарзда мавжуд стажга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади:

➤ дастлаб тегишли тўлиқ пенсия аниқланади;

➤ ушбу пенсия талаб этиладиган иш стажы ойлари сонига бўлинади;

➤ олинган сумма амалдаги иш стажы ойлари сонига кўпайтирилади (252-сон Низомнинг 130-банди).

Онагизнинг пенсияси миқдори ўртача ойлик иш ҳақи даражаси 532 000 сўмдан камлигини ҳисобга олганда, 11 йиллик иш стажига мувофиқ келади. Шуни қайд этиш лозимки, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш стажы меҳнат дафтраҳасида кўрсатилган стаж муддатига қараб аниқланмайди. Муайян даврлар иш стажига қўшилмайди. Масалан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, иш ҳақи сақланмайдиган таътиллarda бўлиш — иш ҳақи ва Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланмаган даврлар. Бола 3 ёшга тўлгунча уни парвариш-лаш таътилида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил иш стажига киритилади.

МИСОЛ. 30 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ишлаётган аёл ҳаммасини жамлаганда 8 йил давомида учта фарзандини парваришлаш таътилларида бўлган бўлса, у ҳолда пенсия тайинлаш учун иш стажыни ҳисоблашда унга жами 25 йил ($30 - 8 + 3 = 25$) иш стажы ҳисобланади.

Иш стажы (11 йил) тўғри ҳисобланганлиги хусусида шубҳаланаётган бўлсангиз, унга киритилган даврларни аниқлаштириш мақсадида пенсияни тайинлаган Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилишга ҳақлисиз, у ерда сизга пенсия тайинлаш масалалари юзасидан тушунтириш ва маълумотлар берилиши шарт (Қонуннинг 43-моддаси 6-қисми).

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Мавзுவий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари

Хорижий компаниялар фрилансерлари меҳнати мувофиқлаштирилади

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурига (7.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармонга 8-илова) мувофиқ қонунчилиikka меҳнат билан таъминлашнинг янги шакллари жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Республикаимиз ҳудудидан ташқарида бўлган ва унинг солиқ агентлари бўлмаган хорижий иш берувчилар билан шартнома асосида Ўзбекистонда ишлаётган (масофадан туриб ишга жойлашиш) фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш назарда тутилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида таъкидлашларича, бундай иш шакли Ўзбекистонда тобора кенг тарқалмоқда. Шу боис мазкур фуқароларнинг ижтимоий сугуртаси, уларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш (меҳнат дафтарчаларини юритиш) ва, албатта солиқ тўлаш масалалари кун тартибига қўйилмоқда.

Экспертлар келгусида муаммолар (масалан, давлат пенсиясини тайинлашда) юзага келмаслиги учун ушбу тоифадаги ходимларни солиқ ва ижтимоий бадалларни тўлашга рағбатлантириш зарурлигини таъкидлашмоқда.

Вазирлик томонидан Меҳнат кодексига тегишли қўшимчалар ишлаб чиқилган. Улар масофадан туриб ишлашнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олади: ишга жойлашиш тартиби (ишга қабул қилиш) ва меҳнат фаолияти шартлари, меҳнат стажини ҳисобга олиш механизмлари ҳамда «электрон меҳнат дафтарчаси» юритишни. Тегишли равишда қайта ишланганидан кейин қонун лойиҳаси ҚҲТБТ порталига (regulation.gov.uz) кенг муҳожама учун жойлаштирилади.

Тузатишлар билан қатор муаммоларни ҳал этиш кўзда ту-

тилган. Масалан, Ўзбекистон қонунчилигида кўра ходимнинг хоҳ «қроздаги», хоҳ «электрон» кўринишдаги меҳнат дафтарчасига қайдлар иш берувчи томонидан киритилади. Ҳужжатларни ёки хорижий иш берувчининг давлат намунасидаги ҳуқуқ ўрнатувчи ҳужжатлардаги қайдларини тан олиш (нострификация қилиш) эҳтиёжи туғилиши мумкин. Шу билан бирга қатор давлатларда ходимларнинг меҳнат дафтарчалари юритилмаслигини эътибордан қочирмаслик зарур, иш даврлари ва вазифалари ходимнинг резюмесига кўрсатилади, ундаги маълумотларни иш берувчига сўровнома юбориш ёки очик маълумотлар базасига мурожаат этиш орқали текшириш мумкин.

Масофали ишда банд бўлганлар ўз ҳуқуқларини муаммоларсиз амалга ошира олишлари учун бир вақтнинг ўзида зарур инфратузилма шакллантирилади. 2019 йилдан бошлаб ЯИДХП орқали меҳнат фаолияти ҳақида маълумотлар тақдим этувчи интерактив хизматни жорий этиш режалаштирилган. У бошқа шахслар учун ҳам хизматларни тақдим этиши мумкин. Иш берувчи тегишли маълумотларни ягона солиқ тўлови бўйича ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи таркибида солиқ органларига тақдим этганидагина меҳнат стажини инобатга олинади.

Анвар Йўлдошев, «Norma Online» эксперти.

Ишлаётган пенсионер-шифокорлар пенсияни тўлиқ миқдорда олади

ҚҲТБТ порталида Президентнинг хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирларига доир қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Лойиҳа мақсадлари:

- хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришни рағбатлантириш;
- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шароитларни яхшилаш;
- кўрсатилмаган тиббий ёрдамнинг ҳажмини кенгайтириш;
- хорижий инвестицияларни хусусий тиббиёт соҳасига жалб этиш.

Шифокорлар иш шароитларини яхшилаш учун лойиҳада, хусусан, тиббиёт ташкилотларининг ишлаётган шифокорлари пенсияларини мулкчилик шаклидан қатъи назар тўлиқ миқдорда тўлаш тақлиф этилмоқда.

Эслатиб ўтамуз, айни вақтда фуқароларнинг алоҳида тоифаларидан ташқари, ишлаётган пенсионерларга тайинланган пенсиянинг 50%и тўланади.

Ленара Хикматова, «Norma Online» эксперти.

Лойиҳага ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши ёки у рад этилиши мумкин.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Бизга мактуб йўллабсиз

Бадалларни тўлаш пайти келди

? МДХ мамлакатларидаги иш стажига ҳисобга олинадими?

А.Р. Тошкент ш.

– Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битимга (Москва, 13.03.1992 йил) аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия, шу жумладан имтиёзли асосларда ва қўп йил ишлаганлиги учун пенсия олиш ҳуқуқини белгилаш учун Битим кучга киргунига қадар, яъни **1992 йил 13 мартгача** бўлган даврда

мазкур давлатларнинг исталгани ҳудудида, шунингдек собиқ Иттифок ҳудудида эга бўлган иш стажига **ҳисобга олинади** (Битимнинг 6-моддаси).

Тегишинча, Ўзбекистон фуқароларининг 1992 йил 13 мартдан кейинги ишлаш даври, **башарти** Пенсия жамғармасига **сугурта бадаллари тўланган бўлса**, ҳисобга олинади.



Бу ҳолда ололмайсиз

? Пенсионер бўлмай туриб ШЖБПХдаги жамғармаларимни олишим мумкинми?
В.Корзин.

– Йўқ, ололмайсиз. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ **давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи** юзага келган тақдирда олишингиз мумкин бўлади («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси).

Жамғариб бориладиган тўловларни олишнинг алоҳида

ҳоллари мавжуд. Масалан, фуқаро вафот этган тақдирда, ШЖБПХда жамғарилган маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бирийўла тўла ҳажмда тўланади. Фуқаро Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса ҳам, ўз пенсия жамғармаларини бир йўла тўла ҳажмда олиши мумкин бўлади (Қонуннинг 17-моддаси).

«Офицерлик» стажига

? Эшитишимча, офицерларнинг хотинлари олис гарнизонларда ёки ишга жойлашиш имконияти бўлмаган жойларда яшаган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланар экан. Шу тўғрими?

Г.Хусаинова. Термиз ш.

– Ҳақиқатан ҳам, офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапорщикларнинг, миноманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин **10 йилдан ошмаган** давр иш стажига қўшиб ҳисобланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «з» банди).

Улар камида **7 йиллик умумий стажга** эга бўлган ҳоллардагина бу давр қўшилади (Қонуннинг 8-моддаси).

Ишлаш имконияти бўлмаган жойларда яшаган вақтни стажга киритиш учун бу ҳақдаги маълумотномани тақдим этиш зарур (Низомнинг 12-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Маълумот учун!

Пенсионерда фақат **ВАҚТИНЧАЛИК ПРОПИСКА МАВЖУД БЎЛСА**, пенсия унинг амал қилиш муддати давомида тўланади. Ўзбекистонда доимий яшайдиган хорижий фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахсга **ПЕНСИЯ** истиқомат учун берилган руҳсатноманинг **АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ** давомида тўланади.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Кўчирма ҳисобга олинмайди

? Пенсия ҳисобланиши учун иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжат сифатида штат жадвалидан кўчирмадан фойдаланиш мумкинми?

Ренат И. Тошкент ш.

— Пенсияни ҳисоблаб чиқаришда иш ҳақи ҳисобланган иш ҳақи суммасидан олинади. Лавозими бўйича маоши тўғрисидаги штат жадвалидан кўчирма ва жамоат ташки-

лотларининг аъзолик билетлари иш ҳақини тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида хизмат қила олмайди (252-сон Низомнинг 85-банди).

Буни билган маъқул

Болалиқдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида

Қуйидагилар нафақа олиш ҳуқуқига эга:

➤ I ёки II гуруҳ ногиронлигига эга бўлган, 16 ёшдан катта бўлган шахслар;

➤ 16 ёшгача бўлган ногирон болалар, нафақа олиш ҳуқуқини берувчи тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирда.

Бирор-бир муддат билан чеклашсиз исталган вақтда нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилиш мумкин.

Яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) 16 ёшдан катта бўлган болалиқдан ногироннинг аризаси;

➤ унинг паспорти нусхаси;

➤ ариза берган ота-она, фарзандликка олувчи, васий ёки нозирнинг паспорти нусхаси (болалиқдан ногирон муомалага лаёқатсиз деб топилган ҳолда);

➤ Пенсия жамғармаси бўлими аризага илова қиладиган ТМЭКнинг текширув далолатномасидан кўчирма;

2) ногирон боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийи ёки нозирининг аризаси;

➤ унинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

➤ ногирон боланинг яшаш жойини тасдиқловчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси;

➤ тиббий хулоса;

➤ ариза берган ота-она, фарзандликка олувчи, васий ёки нозирнинг паспорти нусхаси.

МАЪЛУМОТ УЧУН. Агар фарзандликка олувчи, васий ёки нозир ариза билан мурожаат қилса, туман (шаҳар) ҳокимининг фарзандликка бериш, васийлик ёки нозирликни белгилаш тўғрисидаги қарори нусхасини ҳам тақдим этиш зарур.

Ариза барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этилгандан кейин 10 кундан кечикмай қўриб чиқилади.



Барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлганда нафақа мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади:

➤ 16 ёшдан катта бўлган болалиқдан ногиронга — ногиронлиқнинг бутун даврига;

➤ ногирон болага — тиббий хулосада белгиланган муддатга.

Нафақа яшаш жойи бўйича ҳар ойда Пенсия жамғармаси бўлими томонидан белгиланган муддатларда, бироқ жорий тўлов ойдан кечикмай тўланади. Улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома бўйича тўланиши мумкин.

16 ёшдан катта бўлган болалиқдан ногиронга нафақа у ҳақ тўланадиган ишни бажаришидан ёки даромадларнинг бошқа турларини (стипендия, алимент ва б.) олишидан қатъи назар тўланади.

Ногирон болага тўловлар унинг учун бошқа пенсиялар ва нафақалар, шу жумладан боқувчисини йўқотганлик нафақаси олинishiдан қатъи назар тўланади.

МАЪЛУМОТ УЧУН. 16 ёшдан катта бўлган болалиқдан ногирон ёки ногирон бола тўлиқ давлат таъминотида бўлса, тайинланган нафақа тўланмайди.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.



Ходим кейин ишдан бўшатган ҳолда таътил беришни сўраб ариза ёзди. Ишлаган вақтига мутаносиб равишда 2017 йил 3 июлдан 14 августгача таътил муддатини ҳисоблаб чиқардик. Шу санада у билан ҳисоб-китоб қилиб, дафтарчасини расмийлаштирдик. 2017 йил 28 августда ходим касаллиги варақасини (1.08.2017 йилдан 26.08.2017 йилгача) тақдим этди. Меҳнат дафтарчасидаги ёзувга кўра, ишдан бўшаш куни – 14 августда ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган бўлиб чиқапти.

МКнинг 145-моддасига мувофиқ таътилни узайтириш ва меҳнат дафтарчасидаги ёзувни ўзгартириш керакми?

Татьяна,
кадрлар бўйича
бошловчи мутахассис.

Шошилибсиз...

– Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътиллари бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади (МКнинг 152-моддаси).

Фикримизча, кўриб чиқилаётган вазиятда меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувларни қайд этган ҳолда таътилни узайтириш керак.

Қуйидаги далилларни ушбу позицияга асос сифатида келтириш мумкин:

биринчидан, МКнинг 152-моддасидаги норма меҳнат муносабатлари тугатилаётган ва меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтига келиб турли сабабларга кўра йиллик таътил олиш ҳуқуқидан ўз вақтида фойдалана олмаган ходимлар учун конституцион дам олиш ҳуқуқини амалга оширишни таъминловчи махсус кафолат саналади.

Кўриб чиқилаётган вазиятда 1.08.2017 йилдан 26.08.2017 йилгача бўлган даврда ходим касаллиги туфайли дам олиш ҳуқуқидан лозим даражада фойдалана олмаган;

иккинчидан, ушбу нормани бошқа, хусусан, МКнинг 133, 143, 144-моддаларидаги нормалар билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш лозим. Мазкур вазиятда МКнинг 145-моддаси билан ҳам тақдим этилиши тартибга солинадиган таътил олиш ҳуқуқини амалга оширишга доир умумий кафолатга қўшимча бўлган «Таътилни узайтириш ёки уни бошқа муддатга кўчириш» кафолати ҳақида сўз бормоқда;

учинчидан, кўриб чиқилаётган вазиятда таътил узайтирилмаса, иш берувчи турли асосларга кўра: таътил берилиши ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муносабати билан 1.08.2017 йилдан 14.08.2017 йилгача бўлган битта давр учун ҳақиқатда икки марта ҳақ тўлаган бўлиб қиқади.

Меҳнат шартномаси нусхаси ходимга берилиши – қатъий талаб

Меҳнат шартномасини расмийлаштираётганда унинг иккинчи нусхасини ходимга бериш керакми? Агар керак бўлса, даълат меҳнат ҳуқуқи инспекторлари ушбу талабга риоя этилмаганлиги учун жарима солишлари мумкинми?

Г.Г.

– Ҳа, ходимни ишга қабул қилганда унга меҳнат шартномасининг бир нусхасини бериш лозим.

Одатда, меҳнат шартномаси ёзма шаклда, 2 нусхада тузилиб, ҳар бири тарафлар томонидан имзоланади.

Меҳнат шартномасининг бир нусхаси ходимга берилади, бошқаси иш берувчидан сақланади (МКнинг 74-моддаси).

Ушбу талабларнинг бажарилмаслиги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳуж-

жатларини бузиш деб баҳоланади ва мансабдор шахсларга нисбатан ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдордаги жарима кўринишидаги жавобгарликка олиб келади (МЖТКнинг 49-моддаси).



Декрет даврида қисқартириш

Болани 3 ёшга тўлгунча парваришлаш таътилидаман. Ишга чиқмоқчи эдим, бироқ ишлар қисқартирилган экан. Лавозимимни қисқартирибдилар, шу сабабли ишга чиқа олмайман – энди иш жойим йўқ. Қарерга мурожаат қилишим мумкин?

О.Г.

– Ҳатто ходим розилик берган бўлса ҳам, иш берувчининг бундай хатти-ҳаракатлари қонунга зид. Болани 3 ёшга тўлгунча парваришлаш таътили даврида уни парваришлаётган ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Қонун ҳужжатларига кўра, ҳомиладор аёллар ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг

бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади (МКнинг 237-моддаси).

Шу сабабли сиз билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланган ишни беришини иш берувчингиздан талаб қилишни тавсия этамиз. Акс ҳолда судга мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Дам олиш кунини ишдан бўшатиш

Ходим кейин ишдан бўшатган ҳолда таътил беришни сўраб ариза ёзди.

Таътил дам олиш кунини тугаётган бўлса, у билан меҳнат шартномасини қайси санада бекор қилиш мумкин?

С.О.

– Охириги иш кунини меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади. Бироқ кейин ишдан бўшатган ҳолда ходимга таътил берилган ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб

ҳисобланади (МКнинг 107-моддаси 2-қисми, 152-моддаси 1-қисми).

Сизнинг ҳолатда дам олиш кунини меҳнат шартномаси бекор қилинган кун бўлади.

Тарафларнинг келишувига кўра

меҳнат шартномаси исталган вақтда бекор қилиниши мумкин. Бироқ ишдан бўшатиш кунини дам олиш кунига тўғри келиб қолса ҳам, унинг арафасида ходим билан ҳисоблашиш лозим.



«Қоидалар билан танишиб чикдим...»

Янги ходимни унинг ишига алоқадор барча ички ҳужжатлар, айтилик, мукофотлаш тўғрисидаги низом ва хизмат сафарлари тўғрисидаги низом билан таништириш шартми?

П.М.

– Ҳа, янги ходимни унинг ишига тааллуқли бўлган барча ички ҳужжатлар билан таништириш шарт.

Ҳар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан тилхат олиб таништирилиши лозим (МКнинг 178-моддаси).

Шу сабабли киши меҳнат шартномасини имзолашидан аввал уни,

хусусан, қуйидаги ҳужжатлар билан таништириш зарур:

- меҳнат шартномаси (контракти);
- ички меҳнат тартиби қоидалари;
- жамоа шартномаси (агар мавжуд бўлса);
- лавозим йўриқномаси;
- тўлиқ ва жамоанинг (бригадининг) моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартнома;

- ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тўғрисидаги низом;
- тижорат сири тўғрисидаги низом;
- хизмат сафарлари тўғрисидаги низом;
- ходимнинг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа локал ҳужжатлар.

Таътилда бошқа корхонада ишламоқчиман

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил вақтида бошқа иш берувчи билан қонуний тарзда ишласа бўладими? Бу ҳолда қайси турдаги шартнома тузилади?

— Мурожаатингизда қайси лавозимда ва қайси ташкилотда ишлашингизни кўрсатганингизда, жавобимизда қайси ишларда ишлашингиз ва қайси ҳолларда тақиллар белгиланганини батафсил маълум қилган бўлардик. Шунинг учун жавобимиз умумий нормалар асосида бўлади.

Мурожаатингизда кўрсатилган муддат ичида асосий иш жойингиздан олган маълумотномангиз билан ўриндошлик асосида ишлашингиз мумкин. Лекин, ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган) белгиланганидек куйидагиларнинг ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланган:

- 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- агар ўриндошлик асосида ишловчининг асосий иши меҳнатнинг ноқулай шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлса, шундай шарт-шароитдаги ишларда ишлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари);

- давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар бошлиқлари;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва аъзолари;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари;
- бир-бирига бўйсунувчи ёки бир-бирининг назоратидаги ташкилотларда давлат бошқаруви органлари мутахассислари — соғлиқни сақлашни бошқариш органларида банд бўлган врачлар ва таълимни бошқариш органларида банд бўлган ўқитувчилар бундан мустасно;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланган бошқа шахслар (Низомнинг 4-банди).

Ўриндошлик асосида ишлашга, агар Низомда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, асосий иш жойида (ички ўриндошлик) ёхуд бошқа ташкилотда (ташқи ўриндошлик) ишлашга йўл қўйлади (Низомнинг 5-банди).

Ўриндошлик асосида ишлаш учун иш берувчининг, асосий иш жойидан касаба уюшмаси кўмитасининг (ҳодим-

ларнинг бошқа вакиллик органининг) ёки бошқа органининг розилиги талаб қилинмайди (Низомнинг 6-банди).

Ўриндошлик асосида ишлашда ўриндошлик асосида ишлашнинг давомийлиги ҳодимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортқ бўлиши мумкин эмас. Ҳодим асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлган кунларда у ўриндошлик асосида тўлиқ иш кунида ишлаши мумкин (Низомнинг 7-банди).

Ўриндош ҳодим билан тузиладиган меҳнат шартномасида Меҳнат кодексига белгиланган талаблар билан биргаликда иш вақтининг давомийлиги мажбурий тартибда кўрсатилади (Низомнинг 8-банди).

Агар жамоавий шартномада ёхуд иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда қабул қилинган бошқа маҳаллий ҳужжатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ўриндошлик асосида ишловчиларга меҳнат ҳақи, мукофот, қўшимча ҳақ, устама, рағбатлантириш тўловлари шакли ва тизими ташкилотнинг барча ҳодимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади (Низомнинг 15-банди).

Ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга ҳар йилги асосий, шунингдек ўриндошлар ҳақли бўлган қўшимча таътиллари асосий иш жойидаги ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади (Низомнинг 16-банди).

Ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эгадир (Низомнинг 18-банди).

Соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ўриндошлик асосидаги иш жойидан нафақа олиш учун асос ҳисобланади (Низомнинг 19-банди).

Абдусалом Рискуллаев,
«Norma Online» етакчи эксперти.



Корхона ўз ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш жараёнида хорижлик мутахассисларга эҳтиёж сезганлиги боис Туркия фуқароларини доимий ва вақтинчалик асосларда ишга қабул қилади ва уларга Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигидан меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномасини олади. Айтиш-чи, ушбу мутахассисларни Ўзбекистондаги бошқа корхоналар ҳам ишга қабул қила оладими? Бунинг учун бошқа корхоналар ҳам шундай тасдиқномани олишлари шартми?

А.Эргашев, бухгалтер.

Чет эллик мутахассис ишлаганда...

— Айнан сизга берилган рухсатнома ва шу асосда хорижий фуқаро номига берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси билан бошқа корхонага ишга қабул қилиш ёки ўтказиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишга рухсатнома (кейинги ўринларда — Рухсатнома) бошқа иш берувчиларга берилиши ва рухсатномага асосан жалб қилинаётган хорижлик ишчилар бошқа иш берувчи билан меҳнат муносабатларига киришишлари мумкин эмас (АВ томонидан 1996 йил 20 ноябрда 285-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқноманинг 46-банди, кейинги ўринларда — Ўйриқнома). Чунки Рухсатнома ҳамда тасдиқнома яқка тартибда бериладиган ҳужжат бўлиб, ундан факатгина у кимнинг номига берилган бўлса, шу юридик шахс фойдалана олади.

Рухсатнома бланкасида Рухсатнома берилган иш берувчининг номи ва ман-

зили, ишга жалб қилинаётган хорижлик шахс қайси давлат фуқароси эканлиги, фаолиятининг тури кўрсатилади. Шунингдек, тасдиқномада ҳам хорижлик ишчи ҳамда ишга қабул қилган юридик шахснинг номи кўрсатилган бўлади (ВМнинг 19.10.1995 йилдаги 408-сон қарорига 2-иловининг 13-банди, кейинги ўринларда — Низом).

Агар бошқа корхона ва ташкилотлар сизнинг корхонангизда меҳнат фаолиятини олиб бораётган хорижлик ҳодим билан меҳнат муносабатларига киришиш ниятида бўлсалар, улар Низомга мувофиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига Рухсатнома олиш учун ариза (Ўйриқномага 1-илова) билан мурожаат қиладилар.

Олинган Рухсатнома асосида иш берувчи чет эл фуқароси билан, агар у биринчи ишга қабул қилинган корхона билан меҳнат шартномасини бекор қилмаган бўлса, ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш тўғрисида меҳнат шартномаси тузади.

Шундан сўнг иш берувчи ёки у ишонч билдирган шахс хорижлик мутахассиснинг меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқнома олиш учун Ўйриқноманинг 12-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда Агентликка мурожаат қилади.

Жамолиддин Ваккасов,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги
www.norma.uz

Истиқлодий ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
Е-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ёлқазиб бериш ва хариб қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича — 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терғиди ва сақланади.
Нашр кўрсаткичи — 186. Ҳар ҳафта — 2 босма таъриф. Бақоси кўрсатилган нарқда.
Буюрма г-1192. Адади 1 080. Газета 2017 йил 13 ноябрь соат 14.00 да топириқди.

1 2 3 4 5 6